

- **Мавзу: Мустақиллик йилларида
Қорақалпоғистон Республикаси**

■ Режа:

- 1. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган ислохотлар
- 2. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар.
- 3. Қорақалпоғистон республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
- 4. Қорақалпоғистонда бунёдкорлик ишлари.
Маданият ва спорт

1. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган ислохотлар



Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси – Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

- Мустақиллик йилларида бу заминда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида узок гапириш мумкин. Марказий Осиёда ягона, саҳро бағридаги мўъжиза – Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, “Марказий Осиё безак тошлари” қўшма корхонаси, Қўнғирот карбид, Нукус мрамор ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, “Элтекс” ва “Катекс” каби замонавий ишлаб чиқариш объектлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали, Олимпия захиралари коллежи бинолари, ўнлаб умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, болалар спорти, болалар мусиқа ва санъат мактаблари... Бундай мухташам иншоотлар истиқлол шарофати туфайли барпо бўлди.

- Истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ минглаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаган 243 километрлик Туямўйин-Нукус-Чимбой-Тахтакўпир сув тармоғи ишга туширилди. 1991-2010 йилларда ҳудудда газ ва газ конденсати, шиша, кунгабоқар ёғи, кальцийлаштирилган сода, вермикулит концентрати, талькомагнезит, глицерринин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
- Халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш борасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари энг савобли ишлардан бўлди. Бу соҳада ҳам ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун деган эзгу ғоя доимий устувор вазифа бўлиб келмоқда.

2000 йили Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан боғлайдиган улкан кўприк, 2001 йилда 345 километрлик Нукус-Султонувайстоғ-Мискин-Учқудуқ-Тинчлик-Навоий темир йўли ишга туширилди. Юзлаб километр автомобиль йўллари реконструкция қилинди. Бу раён йўлларнинг узунлиги 4 минг 100 километрдан ошиб кетди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.



Ер ости бойликларини излаш, қазиб олиш ва улардан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижлик шериклар билан “Жел”, “Ғарбий Орол” каби истиқболли конлар очилди. “Устюрт ва Орол денгизи атрофларида геофизика ишларини амалга оширишни кучайтириш” дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, Устюрт кенгликларида сейсмик тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Айниқса, “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятининг “Устюрт геофизика экспедицияси” филиали жамоасининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга муносиб. Ҳозир кунига 45 минг кубометр газ бераётган “Тиллали”, “Сайхун”, “Инъом”, “Арслон” сингари янги конлар ана шу экспедиция изланишларининг самарасидир.

Мустақиллик иншоотларидан яна бири Қўнғирот сода заводиدير.



Қўплаб соҳалар учун зарур хомашё – кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқараётган ушбу йирик корхона ўз маҳсулотининг аксариятини экспортга йўналтирмоқда

Бугун дунё халқларининг эътиборини тортаётган, ҳавасли, ҳайратли нигоҳларига сабаб бўлаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Президентимиз ташаббуси билан барпо этилди. Асрлар оша қақраб ётган бепоён даштда улкан ишлаб чиқариш қуввати қад ростлади. Корхона жаҳоннинг нуфузли нашрлари томонидан 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб топилди.



- 2014 йили нуфузли “**Infrastructure Journal**” халқаро нашри мазкур лойиҳа қурилишини “**2014 йилнинг нефть-газ соҳасидаги энг йирик битими**”, деб эълон қилди. Умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бу машҳур лойиҳа амалга оширилиши мамлакатимиз саноати ривожини янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Ҳозир бу ерда йилига 4,5 миллиард куб метр газ қайта ишланмоқда. Бунинг самарасида халқимиз эҳтиёжи ва экспорт учун 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги ва самарали иқтисодий муносабатлар жорий этилди. Ер ўз эгасини топди. Бугун Қорақалпоғистон фермерлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормокда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
2017-йил 21-январдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи
давомидаги ташаббуси асосида Нукус шаҳрида «Samsung»
заводи барпо қилинди



Бугун «Samsung» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маиший техника воситалари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. 200 дан ортиқ киши бандлиги таъминланган янги корхона энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

2019 йил августда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари минтақани тараққий эттириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берди.

- **Биринчиси** - саноатни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш.
-
- **Иккинчи** - тадбиркорлик гуллаб яшнаши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш.
-
- **Учинчиси** - қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш.
-
- **Тўртинчиси** – ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш.
-
- **Бешинчиси** - Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш.
-

2. Қорақалпоғистон Республикасида Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар

- Мустақилликнинг илк йиллариданоқ муҳтарам Президентимизнинг фермер хўжаликларини ташкиллаштиришга эътибор қаратгани туфайли бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида кўплаб ижобий ютуқларга эришилди.
- Қишлоқ хўжалиги ерларининг узок муддатли ижара мулки қилиб берилиши ва қишлоқда бозор муносабатларининг жорий қилиниши фермер хўжаликларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг муҳум омил ва асоси бўлди.
- Ушбу фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши 99,5 фойизни ташкил қилади.

- Бугунги кунда Республикада 5430 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан пахта-ғаллачиликда 3682 та фермер, сабзаёт ва полизчиликта 321 та фермер, чорвачиликта 377 та фермер, боғ ва узумчиликта 514 та фермер, ғалла ва сабзаётчиликта 326 та фермер ва 210 та фермер хўжаликлари бошқа йўналишларда иш билан банд.
- Уларга 288 минг 898.4 гектар майдони ажратилиб берилган, Фермер хўжаликларида 12 минг 490 нафар ходимлар иш билан таъминланди.
- 2016 йил Қорақалпоғистон Республикасида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича манзилли Дастури қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари ва Адлия вазирлиги ходимлари таъкидлаганидек



барча категориядаги хўжаликларида 11 минг 111 гектарга сабзавот, 9508 гектарга полиз, 5325 гектарга картошка экилиб, тўлиқ навлар олинди. Бундан ташқари, 247 гектар майдонда янги интенсив боғлар, 247 гектарда токзорлар яратилди. Ушбу майдонларга 123,5 минг дона мева, 296,4 минг дона токзор навлари экилди. Шу билан бирга 118 гектар майдондаги эски боғда, 65 гектар токзорларнинг реконструкция ишларини олиб борилди. Бугунги кунга қадар 6778 гектар боғнинг, 1268 гектар токнинг қатор ораларига сабзавот экинлари экилиб, озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда.

- Фермер хўжаликлари ишларининг самарадорлигин ошириш ва уларга шарт-шароитлар яратиш, экишлик майдонлардан мақсадли фойдаланиш бўйича барча туманларда ер майдонларин оптималлаштириш ишлари олиб борилиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Шунинг натижасида мева-сабзавот етиштиришда 321 та фермер хўжалигига 1467 гектар, боғдорчилик ва токзорчиликка ихтисослашган 514 та фермер хўжалигига 1510 гектар, бундан ташқари сабзавот-ғалла етиштириш бўйича янгидан ташкил этилган 326 та фермер хўжаликларига 4532 гектар ер майдонлари ажратилиб берилди.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида

- **Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 37-сон 16.01.2019 қарори чиқди.**
- **1-илова 2019 — 2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури.**
- **2-илова 2019 — 2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати келтирилган.**

Яқин ўтмишда энг катта кўл мақомига эга бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгида йўқолиб боряпти



Унинг мавжланиб турган сувлари чекина-чекина, денгиз тубида янги саҳро — Оролқум пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда у 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Бу ердан йилига ўртача 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилиб, минтақа давлатлари экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги пайтда Оролқум чанг-тўзонлари зарралари Европа мамлакатларига ҳам етиб боргани айтилмоқда. Айниқса, 2018 йилнинг 27 майида ёпирилган туз ёмғири инсоният учун бамисоли бонг кўнғироғи сифатида янгради

- Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида экологик хавфсизлик масаласига алоҳида тўхталиб, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Орол денгизининг сувсиз ҳудудида 500 минг гектар ўрмонзор барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Шу билан бирга, Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмага эга замонавий шахарча бунёд этиш вазифаси илгари сурилди.
- Президентимизнинг шу каби хайрли ташаббуслари Мўйноққа яна қайноқ ҳаёт сурурини олиб киряпти. Тушкун кайфиятга тушиб қолган аҳоли кўзларида умид учқунларини уйғотмоқда. Чунки йиллар давомида фақат ҳалокат оқибатлари тафсилотларини тинглаб келган одамлар кўз ўнгида амалий ишларга киришилди

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига қулай яшаш шароити яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.



Жумладан, 2018 йилда 12 млрд сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳамда қурилиш ишларининг ўсишига эришилди.

Қорақалпоғистон республикасининг “Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида қуйидаги муаммолар алоҳида таъкидлаб ўтилганди:

- Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ва ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд, хусусан:
- **биринчидан,** туманнинг бош режаси замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайди, бу борада истиқболда бажарилиши режалаштирилган тадбирлар ишлаб чиқилмаган;

- **Иккинчидан,** аҳолининг муносиб турмуш шароитини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган сув таъминоти ва канализация объектлари, ижтимоий соҳа, маданият ҳамда спорт иншоотлари етарли даражада барпо этилмаган, мавжудларини эса реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича зарур чоралар кўрилмаган;
- **учинчидан,** туманда туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан етарли даражада чора-тадбирлар амалга оширилмаган, зарур инфратузилма, жумладан, йўл-транспорт объектлари ва сервис хизматлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган;
- **тўртинчидан,** геология-қидирув ишлари ташкил этилмаганлиги боис фойдали қазилмаларни тўлиқ ўзлаштириш чоралари кўрилмаган, ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш ишлари амалга оширилмаган;
- **бешинчидан,** аҳолининг ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа тор соҳалардаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар етарли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Мўйноқ туманини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган.



Қуйидагилар жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари, шу жумладан марказлаштирилган инвестициялар;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг маблағлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг ҳамда Мўйноқ тумани бюджетининг захира жамғармалари маблағлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари;
- халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари);
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Қорақалпоғистонда бунёдкорлик ишлари. Маданият ва спорт



Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳар бош режаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Нукуснинг бош режаси шаҳарни 2035-йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма ва аҳоли турар жой шароитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳаларини қамраб олган.


Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга қилган ташрифи давомида Нукус шаҳридаги «Имом эшон Муҳаммад» жоме масжидида бўлиб, бу ерда имомхатиблар малакасини ошириш ўқув маркази, ётоқхона, кутубхона барпо этиш, масжид ҳудудини ободонлаштириш ва атрофига девор қуриш, новвойхона ташкил қилиш, ҳовуз, фаввора ва бошқа қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.



Бугун Қорақалпоғистонда ҳаёт бутунлай ўзгармоқда. Барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овуллар янгича чирой очмоқда, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва ижтимоий соҳанинг бошқа масканлари, коммуникация тармоқлари барпо этилмоқда. Бу эса Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни тобора ортиб бораётганидан далолатдир.



Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари қатори Нукус шаҳри қиёфаси ҳам йилдан-йилга гўзаллашиб, замонавий турар жойлар, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.



Ўтган йили Нукус шаҳри марказида 2,5 миллиард сўмлик лойиҳа асосида бунёд этилган ва барча қулайликларга эга “Бахт уйи” фойдаланишга топширилди. Инсон бахт учун дунёга келади. Бу борада мамлакатимизда ёшларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Эътиборингиз

учун

раҳмат !!!